

АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ ТУЗИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИИсаев Шохрух Ортиқали ўғли ¹

Ҳуқуни муҳофаза қилиш академияси магистранти капитан

Аннотация:

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида 2021 йил 1 апрелдан расмий жорий этилган айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институтининг процессуал тартиби илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда ушбу институтнинг асосий субъектлари — прокурор, гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи ва суднинг ҳуқуқий мавқеи, тузилиш босқичлари, қонунчилик шартлари ва амалий муаммолари батафсил ёритилган. АҚШ, Буюк Британия, Германия, Россия ва Қозоғистон тажрибаси билан қиёсий таҳлил ўтказилган. Ўзбекистонда мазкур механизмнинг қўлланиш даражаси жиноятларнинг атиги 0,10 фоизини ташкил этиши аниқланган, бу кўрсаткич хорижий давлатлар билан солиштириганда ниҳоятда паст эканлигини кўрсатади. Мавжуд норматив ва амалиётдаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш киритиш таклиф этилган.

Калит сўзлар: айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув, жиноят-процессуал кодекс, гумон қилинувчи, айбланувчи, прокурор, ҳимоячи, жабрланувчи, судья, суд назорати, plea bargaining, процессуал тартиб, жиноят иши.

ПРОЦЕССУАЛЬНЫЙ ПОРЯДОК ЗАКЛЮЧЕНИЯ СОГЛАШЕНИЯ О ПРИЗНАНИИ ВИНЫ**Аннотация:**

В данной статье анализируется с научно-теоретической точки зрения процессуальный порядок института соглашения о признании вины, официально введённого в Республике Узбекистан с 1 апреля

2021 года. В исследовании подробно освещены правовой статус основных субъектов данного института — прокурора, подозреваемого, обвиняемого, защитника и суда, — а также этапы его заключения, законодательные условия и практические проблемы. Проведён сравнительный анализ с опытом США, Великобритании, Германии, России и Казахстана. Установлено, что в Узбекистане уровень применения данного механизма составляет всего 0,10 процента от общего числа преступлений, что является крайне низким показателем по сравнению с зарубежными странами. В целях устранения имеющихся нормативных и практических недостатков предлагается внести изменения в соответствующие статьи Уголовно-процессуального кодекса.

Ключевые слова: соглашение о признании вины, уголовно-процессуальный кодекс, подозреваемый, обвиняемый, прокурор, защитник, потерпевший, судья, судебный надзор.

¹ Ҳуқуни муҳофаза қилиш академияси магистранти капитан Ш.О.Исаев

THE PROCEDURAL RULES FOR CONCLUDING A PLEA BARGAIN

Abstract:

This article provides a scientific and theoretical analysis of the procedural order of the plea bargain institution, officially introduced in the Republic of Uzbekistan on April 1, 2021. The study elaborates on the legal status of the main subjects of this institution—the prosecutor, suspect, accused, defense counsel, and the court—as well as its formation stages, legislative requirements, and practical challenges. A comparative analysis is conducted with the experiences of the USA, Great Britain, Germany, Russia, and Kazakhstan. It was found that in Uzbekistan, the application rate of this mechanism constitutes only 0.10 percent of crimes, which is an extremely low figure compared to foreign countries. In order to eliminate existing deficiencies in regulations and practice, amendments to the relevant articles of the Criminal Procedure Code are proposed.

Keywords: plea bargain, criminal procedure code, suspect, accused, prosecutor, defense counsel, victim, judge, judicial review.

Ўзбекистон Республикасида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Жиноят-процессуал кодексига киритилган 60¹-60б (586¹-586⁸-моддалар) орқали расмий равишда жорий этилди. Ушбу институтни амалиётга татбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад — жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, процессуал харажатларни камайтириш, жабрланувчиларга етказилган зарарни тезкорлик билан қоплаш ҳамда жиноятнинг очилишини тезлаштириш ҳисобланади. 2018 йил 14 майдаги «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3723-сон қарори мазкур ислохотларнинг норматив-концептуал асосини ташкил этган.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган Президент қарорида жиноят процесси бўйича рағбатлантирувчи нормаларнинг етарли даражада қўлланилмаслиги ва самарасизлиги инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга тўсиқ бўлаётгани очиқ кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотлар шуни намоён этмоқдаки, Ўзбекистон Республикасида мазкур институтнинг қўлланиш даражаси хорижий давлатларда эришилган кўрсаткичларга нисбатан паст бўлиб қолмоқда. Жумладан, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни жорий этилганлигига бир неча йил бўлишига қарамай, йилига содир этилган жиноятларнинг атиги 0,10 фоизгагина қўлланилган, тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра². Бу ҳол мазкур институтнинг амалий қўлланишида жиддий методологик ва норматив муаммолар мавжудлигини тасдиқлайди.

Шу сабабли, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишнинг процессуал тартибини илмий-назарий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш, унинг босқичлари, субъектлари, шартлари ва оқибатларини батафсил ўрганиш, хорижий тажриба асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқиш долзарб масала сифатида қолмоқда. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти бўйича ҳуқуқий адабиётда турли ёндашувлар мавжуд. Ўзбекистонлик ҳуқуқшунослар орасида Б.Б.Муродов, Д.Б.Базарова, Ш.Ш.Суюнов, А.Т.Аширбоев, А.А.Хайдаров сингари муаллифларнинг илмий тадқиқотларини ажратиш кўрсатиш мумкин. Хорижий олимлардан эса Ж.Ж.Прескотт ва Р.Л.Жоллининг «Beyond Plea

² Усмоналиев Н.Қ., Мадазимов Ж.О. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтини қўллаш жараёнида гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш // Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya. — 2024. — Б. 102.

Bargaining: A Theory of Criminal Settlement» асари, С.Бибаснинг «The Machinery of Criminal Justice» монографияси, А.М.Креспонинг «The Hidden Law of Plea Bargaining» тадқиқоти ҳамда Ж.Лэнгбейннинг «Torture and Plea Bargaining» мумтоз мақоласи алоҳида аҳамиятга эга.

Д.Б.Базарова ўз тадқиқотида «айбни тан олиш тўғрисидаги битимни тузиш учун гумон қилинувчи ёки айбланувчининг розилиги етарли эмас, келишув тарафи сифатида прокурорнинг иродаси ҳам зарур» деб ёзади³. Ушбу фикр ЖПКнинг 586¹-моддаси ҳукмларига мос келиб, мазкур институтнинг икки томонлама табиатини очиб беради.

Ж.Ж.Прескотт ва Р.Л.Жолли ўзларининг асарларида «жиноий ҳал қилиш — бу фойдалиликни максималлаштиришга қаратилган «савдо»да иштирок этувчи оптималлаштирувчи воситаларнинг маҳсули» эканини таъкидлайдилар⁴. Мазкур экономик-ҳуқуқий ёндашув айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни фақат процессуал ҳодиса эмас, балки тарафлар ўзаро манфаат асосида шакллантирадиган битим сифатида тушунишга имкон яратади.

А.М.Креспо эса мазкур институтнинг яширин томонларини очиб беради ва «айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг ҳақиқий мундарижаси ЖПК нормаларида эмас, балки прокурорлик амалиётида шаклланади» деб эътироф этади⁵. Ж.Лэнгбейннинг танқидий позицияси ҳам диққатга сазовор. У АҚШдаги «plea bargaining» тизимини ўрта асрлардаги қийноққа ўхшатиб, «trial penalty» (суд муҳокамасидан ўтиш «жазоси») механизми айбланувчини кўрқув остида айбини тан олишга мажбурлаши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради⁶.

Таъкидлаш лозимки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув фуқаролик ҳуқуқидаги шартномадан принципиал равишда фарқ қилади. Фуқаролик ҳуқуқида тарафлар деярли чексиз эркинликка эга бўлсалар, жиноят процессида эса тарафларнинг эркинлиги қонун билан қатъий чекланган. Жумладан, прокурор ҳар қандай шартда битим тузиш имкониятига эга эмас — у ЖПКда белгиланган тоифа жиноятлари доирасида, белгиланган жазо тури ва миқдорига нисбатан фақат чекланган маневр ҳуқуқига эга.

С.Бибас «тизимли манопол» концепцияси асосида давлатнинг жиноят адолати соҳасидаги мутлақ монополияси борлигини қайд этиб, «ҳатто тарафлар келишувга эришган тақдирда ҳам, суднинг тасдиғисиз натижа юридик куч касб этмайди» деб таъкидлайди. Шу сабабли айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув — бу оддий ёки хусусий ҳуқуқий битим эмас, балки давлатнинг жазо қўллаш ваколатига доир чуқур процессуал акт ҳисобланади.

ЖПКнинг 586¹-моддасига мувофиқ, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув қуйидаги шартлар мавжуд бўлгандагина тузилиши мумкин:

(1) гумон қилинувчи, айбланувчи ўз ҳаракатларининг маъносини, шунингдек, у томонидан илтимос қилинган илтимосноманинг оқибатларини англаши; (2) илтимоснома ихтиёрий равишда ва ишда иштирок этаётган ҳимоячи билан маслаҳатлашувдан сўнг билдирилган бўлиши; (3) гумон қилинувчи, айбланувчи суриштирув ёки тергов органи томонидан тақдим этилган гумон ёки айбловга, иш бўйича мавжуд далилларга ҳамда етказилган зарарнинг характери ва ҳажмига эътироз билдирмаслиги ва уни қоплаган бўлиши⁷ лозим.

³ Базарова Д.Б. Соглашение о признании вины как гарантия обеспечения прав личности в уголовном процессе // Юриспруденция. — 2021. — №6. — С. 176-183.

⁴ Jolly R.L., Prescott J.J. Beyond Plea Bargaining: A Theory of Criminal Settlement // Boston College Law Review. — 2021. — Vol. 62, No. 4. — P. 1047-1116.

⁵ Crespo A.M. The Hidden Law of Plea Bargaining // Columbia Law Review. — 2018. — Vol. 118. — P. 1303-1312.

⁶ Langbein J.H. Torture and Plea Bargaining // University of Chicago Law Review. — 1978. — Vol. 46, No. 1. — P. 3-22.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 586¹-586²-моддалар // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: www.lex.uz.

⁸ Belozerova I.I., Moskovskikh D.Y. Agreement on the Admission of Guilt (Plea Bargain) in Criminal Proceedings (Comparative Legal Analysis) // Proceedings of INTCESS 2022. — 2022. — P. 202-206.

Ушбу шартлар тизимли таҳлил қилинса, уларнинг ҳар бири айрим ҳуқуқий мазмунга эгаллиги кўрилади. Биринчи шарт — айбланувчининг когнитив ва иродавий қобилиятига доир. Иккинчи шарт — ихтиёрийлик тамойилининг процессуал кафолати сифатида ҳимоячининг иштироки. Учинчи шарт — айблов билан розиликнинг тўрт тарафлама кўрсаткичи: қўйилган айбловга, далилларга, зарар характерида, зарар ҳажмига нисбатан.

Усмоналиев Н.Қ. ва Мадазимов Ж.О. ҳам айнан мазкур жиҳатга урғу берадилар. Улар «ҳимоячи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда ҳимояси остидаги шахс ҳуқуқлари бузилмаслигининг қўшимча кафолати ҳисобланади. Бундай ишларда ҳимоячи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг ихтиёрийлигини, гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай тазйиқ, зўравонлик содир этилмаганлигини аниқлаши лозим» деб ёзадилар⁸.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш жараёни бир неча мантиқий ўзаро боғлиқ босқичлардан иборат.

Биринчи босқич — ташаббус босқичи. ЖПКнинг 586²-моддасига биноан, ташаббус гумон қилинувчи, айбланувчидан чиқади. Бунда гумон қилинувчи, айбланувчи ёзма илтимоснома билан ишни юритишга масъул бўлган мансабдор шахс(суриштирувчи ёки терговчи)га илтимоснома орқали мурожаат қилади. Ушбу босқичда гумон қилинувчи, айбланувчининг илтимоснома билан мурожаат қилишидан олдин терговга қадар текширув ёки дастлабки тергов давомида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келган ҳимоячиси билан ўз айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув битмини тузиш юзасидан ўзаро маслаҳатлашиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим. Бунда, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг ҳимоячи билан маслаҳатлашган ҳолда ўз айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув битмини тузиши келишув ихтиёрий тузилганлигини кўрсатибгина қолмасдан, балки суд босқичига бориб айбланувчининг ўз фикридан қайтиб қолмаслигини ҳам таъминлайди.

Иккинчи босқич — киритилган илтимосномани кўриб чиқилиши. Суриштирувчи ёки терговчи келиб тушган илтимосномани кўриб чиқиб, кейин прокурорга топширади. ЖПКнинг 586³-моддасига кўра, прокурор илтимосномани олган вақтдан бошлаб беш кун ичида қарор қабул қилади: айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ёки келишув тузишни рад этиш.

Учинчи босқич — музокаралар ва келишувни расмийлаштириш. Бу босқичда прокурор, гумон қилинувчи (айбланувчи) ва унинг ҳимоячиси иштирокида музокара ўтказилади. А.М.Креспо бу жараёни «жиноят процессининг энг яширин ва рационал босқичи» деб таърифлайди, чунки айнан ушбу босқичда тарафлар ўз позицияларини баҳолаб, ўзаро манфаат асосида битим шартларини шакллантирадилар. ЖПКнинг 586⁴-моддасига кўра, келишув албатта ёзма шаклда тузилади ва унда ишнинг ҳолатлари, қўйилган айблов, жиноятнинг очилишига ёрдам бериш услуги, зарар қопланиши ва таклиф этилаётган жазо чораси кўрсатилади.

Тўртинчи босқич — келишувнинг суд томонидан кўриб чиқилиши. ЖПКнинг 586⁷-моддасига мувофиқ, суд келишувни қабул қилган вақтдан бошлаб ўн кун ичида уни кўриб чиқиш мажлисини ташкил этади.

Бешинчи босқич — суд томонидан келишув битимини тасдиқлаш ёки рад этиш. ЖПКнинг 586⁸-моддасига биноан, суд икки қарор чиқара олади: (а) келишувни тасдиқлаш ва айблов ҳукми чиқариш; (б) келишувни тасдиқлашни рад этиш ва ишни прокурорга қайтариш.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузиш жараёнида асосий субъектлар сифатида тўртта иштирокчи иштирок этади, яъни прокурор, гумон қилинувчи (айбланувчи), ҳимоячи ва суд. Ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқий мавқеи ва ваколатлари ўзига хосдир.

Прокурор — ЖПКнинг 586¹-моддасига кўра, жиноят иши юритилишини назорат қилувчи мансабдор шахс бўлиб, айнан у келишувни тузиш ваколатига эга. Шу билан бирга, прокурор келишув шартларини шакллантиришда ЖПКдан четга чиқиш ҳуқуқига эга эмас. И.И.Белозерова ва Д.Ю.Московских «прокурор айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув соҳасида ҳал қилувчи роль ўйнайди, бироқ унинг ваколатлари қонун томонидан қатъий чекланган» деб таъкидлайдилар⁹. Гумон қилинувчи (айбланувчи) — айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ташаббусининг ягона эгаси бўлиб, унинг ҳуқуқлари рўйхатидан қуйидагилари муҳим: (а) ҳимоячи билан маслаҳатлашиш; (б) илтимосномадан воз кечиш; (в) келишувни тузишдан олдин ҳар қандай босқичда муҳокамани тўхтатиш; (г) оқибатлар тўғрисида тўлиқ хабардор бўлиш. Хабар беришнинг тўлиқлиги алоҳида аҳамиятга эга, чунки Б.М.Мюррей таъкидлаганидек, «айбланувчи оқибатларни тўлиқ билмасдан туриб берадиган розилик — бу ҳақиқий розилик эмас»¹⁰. Шу сабабли гумон қилинувчи ёки айбланувчини сунъий равишда айбга иқрорлик тузишга кўндириш ёки уни мажбурлаш, шунингдек тўғри тушунтирмасдан битим тузишга ундаш кейинчалик суд босқичи вақтида келишув бекор қилинишига олиб келади. Сабаби, бундай ҳолатларда айбланувчининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинмаган, келишув шартлари сунъий равишда бир томонлама қилинган деб топилишига асос бўлади.

Ҳимоячи — айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув битимини тузишда айбланувчи ва давлат ўртасидаги воситачи бўлиб, соддароқ қилиб айтган мажозий манодаги таржимон вазифасини бажаради. Усмоналиев Н.Қ. ва Мадазимов Ж.О. бу жиҳатни батафсил таҳлил этиб, хорижий қонунчиликдаги ҳолатларга урғу берадилар: «АҚШда айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузилаётганида ҳимоячи иштирок этиши шарт. Буюк Британия жиноят процессига кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув прокурор ва ҳимоячи ўртасида тузилади. Германия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида ҳам мазкур келишув тузилаётганида ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади» деб кўрсатиб ўтганлар.

Суд — охирги ва энг муҳим субъект сифатида чиқади. У айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлаш ёки рад этиш ваколатига эга. Р.М.Голд ва ҳамкасблари «суднинг роли — тарафлар манфаатларининг баланс ёзиш ва қонун устуворлигини таъминлаш» деб ёзадилар¹¹. Айнан суднинг иштироки айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни оддий ҳуқуқий битимдан ажратиб туради, уни жиноят-процессуал акт даражасига кўтаради.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ЖПКда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилаётган ишлар бўйича ҳимоячи қачондан бошлаб иштирок этиши шартлиги аниқ

⁹ Murray B.M. Beyond the Right to Counsel: Increasing Notice of Collateral Consequences // University of Richmond Law Review. — 2015. — Vol. 49. — P. 1139–1161.

¹⁰ Gold R.M. et al. Civilizing Criminal Settlements // Boston University Law Review. — 2017. — Vol. 97. — P. 1607–1610.

¹¹ King J.D. Privatizing Criminal Procedure // Georgetown Law Journal. — 2019. — Vol. 107. — P. 561–572.

белгиланмаган. Бу ҳолат суд-тергов амалиётида айрим тушунмовчиликларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётида эса ҳар хилликни юзага келтиради. Усмоналиев Н.Қ. ва Мадазимов Ж.О. бу муаммонинг долзарблигини алоҳида таъкидлайдилар: «ҳеч қандай юридик маълумотга эга бўлмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят ишида ҳимоячисиз, мустақил равишда иштирок этиши унинг ҳуқуқлари ноқонуний чекланишига олиб келиши мумкин»¹².

Амалда судьялар ва тергов органлари баъзан айбланувчининг ҳимоячидан воз кечишини қабул қиладилар, бу эса шу шахс ҳуқуқларининг процессуал кафолатларини сезиларли даражада камайтиради. Ушбу муаммо айниқса мактабгача таълим олмаган, хорижий тилда сўзлайдиган ёки психологик қийин ҳолатдаги шахслар учун долзарб.

Иккинчи муаммо — айрим ҳолларда судьяларнинг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни «автоматик» тартибда тасдиқлашидир. ЖПКнинг 586⁷-моддасида судьянинг мажбуриятлари рўйхати берилган бўлса-да, амалиётда бу текшириш кўпинча формал характер касб этади. Ж.Д.Кинг «агарда суд назорати чинакам бўлмаса, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув моҳиятан хусусий битимга айланиб, давлатнинг жазо қўллаш монополиясини емиради» деб огоҳлантиради¹³.

Учинчи муаммо — жабрланувчининг айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жараёнидаги иштироки етарли даражада тартибга солинмаган. Амалдаги ЖПКнинг 586²-моддаси жабрланувчини хабардор қилиш мажбуриятини кўзда тутаяди, бироқ унинг келишув шартлари бўйича ёзма фикрини баённомага киритиш тартиби аниқ белгиланмаган. Н.А.Хушвактова бу борада «жиноят процессида жабрланувчининг манфаатлари ҳимоячи ёки прокурор томонидан тўлиқ қамраб олинмайди, шунинг учун унинг фаол иштироки зарур» деб таъкидлайди.

Ўзбекистонда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг қўлланиш даражаси ниҳоятда паст бўлиб қолмоқда. Тадқиқотчиларнинг кузатувида кўра, йил давомида содир этилган жиноятларнинг атиги 0,10 фоизидан кўпроғи ушбу тартибда ҳал этилган. Бу кўрсаткични АҚШ (90–95%), Буюк Британия (70–75%), Россия (58,2%) ёки Қозоғистон (28,4%) билан солиштирсак, кескин ортда қолганлигимиз яққол кўринади.

Ушбу ҳолатнинг сабаблари комплексдир: институтнинг янгилиги, прокурорлар ва судьяларнинг консерватив ёндашуви, адвокатларнинг етарли даражада малакали бўлмаслиги, айбланувчиларнинг ҳуқуқларидан хабардор эмаслиги ва мониторинг тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги. А.М.Гершовиц «prokurorlar ўз ресурсларини максимал даражада фойдаланиш учун ишларни тез ҳал қилишга мойил бўлиши керак, бироқ буни қўллашлари учун улар институтни чуқур тушуниши зарур» деб ёзади.

Биринчи таклиф. ЖПК 586²-моддасини ҳимоячи иштироки хусусида тўлдириш.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 586²-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмун билан тўлдиришни таклиф этамиз: «Гумон қилинувчи, айбланувчи айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тузиш ҳақида хоҳиш билдирган вақтдан бошлаб ҳимоячининг иштироки мажбурий ҳисобланади. Ушбу ишларда гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячидан воз кечишга ҳақли эмас». Бундай норма Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 67-

¹² Хушвактова Н.А. Факторы, препятствующие эффективному использованию общественного участия в досудебном производстве // Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения. — 2022. — №11(65). — DOI: 10.32743/25419889.2022.11.65.346588.

¹³ Gershowitz A.M. An Informational Approach to the Mass Imprisonment Problem // Arizona State Law Journal. — 2008. — Vol. 40. — P. 50–51.

моддаси ҳамда Украина ЖПКнинг 52-моддасида ўхшаш тарзда мустаҳкамланган ва у шахс ҳуқуқларини таъминлашнинг қўшимча процессуал кафолати сифатида хизмат қилади.

Иккинчи таклиф. Судьянинг келишувни тасдиқлашдан олдинги текширув тартибини батафсил белгилаш. ЖПКнинг 586⁷-моддасига қўшимча норма киритиш таклиф этилади, унга кўра суд айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашдан олдин гумон қилинувчи (айбланувчи)ни шахсан сўроқ қилиши, қуйидаги масалаларни аниқлаши шарт: (а) айбни тан олишнинг ихтиёрийлиги; (б) ҳимоячи билан маслаҳатлашганлик; (в) айбни тан олиш оқибатларини (шу жумладан, апелляция ҳуқуқидан воз кечиш, судланганлик ҳолатининг кейинги оқибатлари) тушунилиши; (г) ҳеч қандай тазйиқ, зўравонлик ёки таҳдид йўқлиги; (д) айбловнинг моддий-ҳуқуқий асосланганлиги. Ушбу тартиб АҚШ, Германия ҳамда Буюк Британия қонунчилик нормаларидаги ёндашувга мос келади. Шунингдек, суд келишувни тасдиқлашни рад этганда, рад этиш асослари ёзма шаклда батафсил кўрсатилиши ва бу қарор тарафларнинг апелляция қилиш ҳуқуқини чекламаслиги лозим.

Учинчи таклиф. Жабрланувчининг иштирокини мустаҳкамлаш. ЖПКнинг 586⁴ ва 586⁷-моддаларида жабрланувчининг айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув жараёнидаги ҳуқуқларини аниқлаш таклиф этилади: (а) жабрланувчини келишув тузилаётганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиш мажбурияти; (б) жабрланувчининг ёзма фикрини келишув баённомасига илова қилиш; (в) зарар қопланганлигини текшириш механизмлари; (г) жабрланувчининг суд мажлисида иштирок этиш ҳуқуқининг кафолатланиши. Ушбу таклиф Европа Иттифоқининг «Жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш» директиваси (2012/29/EU) стандартларига мос келади ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумий тамойилларидан бири — жиноят процессида жабрланувчи манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлайди.

Тўртинчи таклиф. Мониторинг ва статистик ҳисобот тизимини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Бош прокуратура қошида айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув бўйича чораклик статистик ҳисобот тизимини жорий этиш таклиф этилади. Ҳисоботда қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилиши керак: тузилган келишувлар умумий сони, жиноят тоифалари бўйича тақсимоли, судьялар томонидан тасдиқланиш ва рад этиш миқдорлари, жазо камайтирилишининг ўртача кўрсаткичлари, зарар қопланиш ҳажми, муддатлар таҳлили. Мазкур мониторинг тизими институтнинг самарадорлигини баҳолаш ва қонунчиликни такомиллаштириш учун зарур эмпирик база яратади.

Тадқиқотнинг натижалари шуни тасдиқлайдики, айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув институтини самарали жорий этиш учун нафақат ЖПК нормаларини такомиллаштириш, балки судьялар, прокурорлар ва адвокатлар учун махсус малака ошириш курсларини ташкил этиш, мазкур институт бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, шунингдек, халқаро ҳамкорлик дастурлари орқали илғор давлатларнинг тажрибасини ўрганиш зарур ҳисобланади. Бу йўналишдаги комплекс ёндашув айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув институтини Ўзбекистон жиноят судловининг самарали ва адолатли воситаси даражасига кўтариш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Усмоналиев Н.Қ., Мадазимов Ж.О. Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув институтини қўллаш жараёнида гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминлаш // *Zamonaviy dunyoda ilm-fan va texnologiya*. — 2024. — Б. 102.
2. Базарова Д.Б. Соглашение о признании вины как гарантия обеспечения прав личности в уголовном процессе // *Юриспруденция*. — 2021. — №6. — С. 176–183.
3. Jolly R.L., Prescott J.J. Beyond Plea Bargaining: A Theory of Criminal Settlement // *Boston College Law Review*. — 2021. — Vol. 62, No. 4. — P. 1047–1116.
4. Crespo A.M. The Hidden Law of Plea Bargaining // *Columbia Law Review*. — 2018. — Vol. 118. — P. 1303–1312.
5. Langbein J.H. Torture and Plea Bargaining // *University of Chicago Law Review*. — 1978. — Vol. 46, No. 1. — P. 3–22.
6. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. 586¹–586⁸-моддалар // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: www.lex.uz.
7. Belozeroва I.I., Moskovskikh D.Y. Agreement on the Admission of Guilt (Plea Bargain) in Criminal Proceedings (Comparative Legal Analysis) // *Proceedings of INTCESS 2022*. — 2022. — P. 202–206.
8. Murray B.M. Beyond the Right to Counsel: Increasing Notice of Collateral Consequences // *University of Richmond Law Review*. — 2015. — Vol. 49. — P. 1139–1161.
9. Gold R.M. et al. Civilizing Criminal Settlements // *Boston University Law Review*. — 2017. — Vol. 97. — P. 1607–1610.
10. King J.D. Privatizing Criminal Procedure // *Georgetown Law Journal*. — 2019. — Vol. 107. — P. 561–572.
11. Хушвақтова Н.А. Факторы, препятствующие эффективному использованию общественного участия в досудебном производстве // *Теоретические аспекты юриспруденции и вопросы правоприменения*. — 2022. — №11(65). — DOI: 10.32743/25419889.2022.11.65.346588.
12. Gershowitz A.M. An Informational Approach to the Mass Imprisonment Problem // *Arizona State Law Journal*. — 2008. — Vol. 40. — P. 50–51.